

27 июнь - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан қутлов



16:09 / 27.06.2024 1589

Ҳурматли **Islom.uz** жамоаси!

Сизларни 27 июнь - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан чин қалбимиздан самимий муборакбод этамиз.

Халқимиз илм-маърифатини юксалтириш, ҳидоят йўлига бошлаш, соҳага оид янгилик ва ўзгаришларни тезкор ва холислик билан етказишдаги хизматларингиз учун беҳад ташаккурлар билдирамиз.

Мўмин-мусулмонлар манфаати, дин ғами ва Ватан тақдирини ҳис қилиб яшайдиган сиз каби ижод аҳлининг даъваткор сўзи, ибратли фаолияти

тахсинга лойиқдир.

Сиз азизларни эзгулик йўлидаги саъй-ҳаракатларингизни доимо қўллаб-қувватлаган ҳолда, асосий таянчимиз ва яқин ёрдамчимиз, деб биламиз.

Масъулиятли ва шарафли вазифада хизмат қилаётган сиз жонқуярларимизга сиҳат-саломатлик, куч-қувват ҳамда улкан зафарлар тилаймиз. Сўзларингиз равон, чиқишларингиз таъсирчан ва бутун умр халқимиз ардоғида бўлиб, бахт-саодат, ижодий ютуқлар доимо ҳамроҳингиз бўлишини сўраймиз.

Сизларнинг юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида олиб бораётган ижодий ишларингизда Ҳақ таоло мададкор бўлиб, куч-қувват ато этсин.









**Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси, муфтий,
шайх Нуриддин Холиқназар**

27.06.2024 й.